

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

МУХТОРОВ ШЕРЗОД МУРОД ЎҒЛИ

**БРОНХИАЛ АСТМАНИ ДАВОЛАШДА ГЛЮКОКОРТИКО-
РЕЗИСТЕНТЛИКНИ АНИҚЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ
ВА УНИНГ ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мухторов Шерзод Мурод ўғли

Бронхиал астмани даволашда

глюкокортикорезистентликни аниқлашнинг

аҳамияти ва унинг иммунологик жиҳатлари..... 3

Мухторов Шерзод Мурод угли

Значение определения глюкокортикорезистентности

и иммунологических особенностей

в лечении бронхиальной астмы..... 27

Mukhtorov Sherzod Murod Ogli

Significance of glucocorticoresistance

and immunological features in

the treatment of bronchial asthma..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 54

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

МУХТОРОВ ШЕРЗОД МУРОД ЎҒЛИ

**БРОНХИАЛ АСТМАНИ ДАВОЛАШДА ГЛЮКОКОРТИКО-
РЕЗИСТЕНТЛИКНИ АНИҚЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ
ВА УНИНГ ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1787 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Суяров Акрам Амиркулович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	XX тиббиёт фанлари доктори, профессор XX тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	XX

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qip.ru.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

У.П. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А. Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда бронхиал астма (БА) касаллиги нафас йўлларининг энг кенг тарқалган касалликларидан бири бўлиб, кардиопульмонал асоратларнинг ривожланиши ва беморларнинг ҳаёт сифатининг пасайиши соғлиқни сақлаш тизимида жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) эпидемиологик тадқиқотларига кўра, «...ривожланган мамлакатлар аҳолисида турли даражадаги бронхиал астма касаллигининг учраши 27,7 фоизни ташкил этмоқда, ушбу тоифадаги беморларда кортикостероидларга резистентликни ривожланиши касалликнинг янада оғир кечишига олиб келмоқда»¹. Касаллик фенотипларининг хилма-хиллиги, патогенезнинг мураккаблиги ва бронхиал астманинг назоратсиз тури фонида кўплаб асоратлар ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ушбу касалликни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида БА касаллигини эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада БАни келиб чиқиши хавф омилларини аниқлаш, иммуногенетик тадқиқотлар ўтказиш, БАда биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, олдини олиш ва даволашда глюкокортикоидларга нисбатан сезувчанликни аниқлашга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда БА касаллигига чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, глюкокортикорезистентлик ривожланишини бартараф қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш мақсадида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш, хусусан, аллергия касалликларни камайтириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, бронхиал астмали шахсларда иммун тизим фаолиятини ҳар томонлама аниқлаш, даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш, касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

¹ WHO. World health statistics, 2017. <http://www.globalasthmareport.org/burden/burden.php>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3715-сон «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда узоқ ва яқин хориж олимлари БА касаллиги ривожланишининг иммунологик механизмларини ўрганиш, иммун-яллиғланиш жараёнларини блоклайдиган турли дори воситалари яратиш билан яқиндан шуғулланмоқда. БА нинг иммунопатогенези мураккаб бўлиб, унинг асосида бронх шиллик қаватларидаги сурункали аллергия яллиғланиш жараёни ётади. Ушбу жараён асосан иммунитетнинг ҳужайра ва гуморал каторида чуқур ўзгаришлар бўлиши билан кечади (Убайдуллаев С.А. 2009). БА касаллигини базис давосида асосий восита сифатида асосан глюкокортикостероид (ГКС) препаратлари кенг қўлланилиб келинади. ГКС препаратлари икки гуруҳга ажратилади. Булар тизимли ГКС ва маҳаллий таъсир қилувчи ингаляцион глюкокортикостероид (ИГКС)лар ёки суртма шаклидаги ГКСлардир (Архипов В.В. 2014; Княжеская Н.П. 2012; Застрожина А.К. ва ҳаммуалифлар; 2019; Gang W. et al., 2016; Christer J. et al., 2018).

БАни даволашда ҳозирги кунда GINA (2019) таснифидан фойдаланилади. Ушбу тасниф кўрсатмаси бўйича БА касаллигини базис даволашда ИГКСлар кенг қўлланилади. ИГКСлар тўғридан-тўғри касалланган соҳага тушиши натижасида маҳаллий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида уларнинг миқдори бошқа йўллар орқали (оғиз орқали ичиладиган, вена ичига, мушаклар орасига) қабул қилинадиган ГКСлар миқдорига нисбатан 30-40 мартагача камайишига эришилади ва ГКСлардан кейинги юзага келадиган кўпгина асоратларнинг олди олинади (Архипов В.В. 2014; Княжеская Н.П. 2015; Застрожина А.К. 2018; Емельянов А.В. 2018; Kew R.M. 2016; Michael E.W. et al., 2017; Elliot I. 2017). ИГКС касаллик кўзишининг дастлабки кунларидан тавсия этилсада, унинг самарали таъсири, даволашнинг фақатгина 5–6 кунларидан бошланади. Бу эса, БА касаллигининг хуружи пайтида

беморларнинг аҳолини тезроқ яхшилаш мақсадида ГКСларни парентрал юборишга мажбур бўлинади (Ненашева Н.М. 2014; Медуницына Е.Н. 2015).

БАни глюкокортикостероид препаратлари билан даволаш давомидаги тахлиллар, ушбу препаратлар барча беморларга бир хил даражада самарадор таъсир қилмаслигини кўрсатади. Сабаби, ҳар бир бемор организми ГКС препаратларига бир хил даражада сезувчан эмаслигидир. ГКСлар препаратларини қабул қилиш давомида беморларнинг кўпчилигида касалликнинг тузалиши чўзилиб, даволаниш кунлари узайиб кетади ёки даволаш самарадорлиги яққол намоён бўлмайди.

БА касаллигини ГКС препаратлари билан даволашда эришилган самарали ютуқларга қарамасдан организмдаги глюкокортикостероидрезистентликни аниқлаш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. БА билан оғриган беморларни даволашда ГКС препаратларига нисбатан сезувчанликни аниқлаш ҳамда иммунологик жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан долзарбдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ПЗ-20170920260 «Аутоиммун касалликлари (РА, ТКЮ) ва бронхиал астмани глюкокортикоидлар билан даволаш усуллари тақомиллаштириш» (2018–2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бронхиал астмани даволашда глюкокортикостероидрезистентликни аниқлашнинг аҳамияти ва унинг иммунологик жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бронхиал астмада глюкокортикоидларга нисбатан сезувчанликни периферик қонда *in vitro* усулида аниқлаш;

бронхиал астма билан оғриган беморларнинг балғамида глюкокортикоидларга нисбатан сезувчанлигини *in vitro* усулида аниқлаш;

бронхиал астмада глюкокортикостероидрезистентлик ва иммунологик кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш;

бронхиал астмада ГКСларга сезувчанлик аниқланиб даволанган беморларда клиник-иммунологик ҳолатини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2020 йилларда Тошкент шаҳар 3-сон клиник шифохонаси ва «Пойтахт меддиагностика» хусусий клиникаси назоратида бўлган бронхиал астманинг III ва IV поғонаси билан касалланган 215 нафар беморлар ва 50 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бронхиал астма билан касалланган беморлар ва соғлом шахслар вена қони, қон зардоби ва балғами иммунологик ва иммунофармакологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда умумклиник, аллергологик, иммунологик, иммунофармакологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор БАнинг III ва IV поғонаси билан оғриган беморлар периферик қони ва балғамида триамциналонга ўта юқори, кейинги ўринларда бетаметазон, гидрокортизон, преднизолон, дексаметазон, метилпреднизолон ва ўта паст сезувчанлик даражаси небуфлюзонда бўлиши исботланган;

илк бор БА билан касалланган беморларнинг бир гуруҳида периферик қонда бир вақтнинг ўзида бир нечта глюкокортикостероидларга (триамциналон, дексаметазон, преднизолон) ўта юқори сезувчанлик аниқланган;

илк бор БА билан оғриган бир гуруҳ беморлар периферик қонида метилпреднизолон, гидрокортизон, небуфлюзонга нисбатан бир вақтнинг ўзида ўта паст сезувчанлик даражаси аниқланган;

илк бор БАда триамциналон, дексаметазон, преднизолонга нисбатан ўта юқори сезувчанлик кузатилган беморларда CD8+, CD16+, CD20+, CD23+, IgA, IgM, IgE миқдорларининг ортиши ва CD3+, CD4+, CD4+/CD8+, CD45RA+, CD95+ миқдорларининг камайиши аниқланган;

илк бор БА касаллигида бир вақтда метилпреднизолон, гидрокортизон, небуфлюзонга ўта паст сезувчанлик аниқланганда CD16+, CD20+, CD23+, IgE миқдорларининг ортиши ва CD3+, CD4+, CD8+, CD4+/CD8+, CD45RA+, CD95+, IgM, IgG, миқдорларининг камайиши исботланган;

илк бор глюкокортикостероидларга ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда лимфоцитлар, CD3+, CD8+, CD23+ сонининг камайиши ҳамда CD16+, CD20+, IgA, IgM миқдорларининг ошиши, шу билан бирга цитокинларнинг (IL-1 β , IL-4, IL-6 ва TNF α) даволашдан аввал ортган миқдорлари ГКСлар билан даволашга боғлиқ ҳолда камайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор БА билан оғриган беморларнинг периферик қонида ва балғамида ГКСларга нисбатан сезувчанликни аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

илк бор БА касаллиги билан оғриган беморларда, ГКСларга нисбатан сезувчанликни аниқлаш асосида ишлаб чиқилган даволаш усулининг, анаънавий усулларга нисбатан юқори самарали эканлиги исботланган;

илк бор БА касаллигида ГКСларга нисбатан сезувчанликни аниқлашга ва унинг асосида БА беморларини даволаш усулига 2 патент олинган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник - анамнестик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бронхиал астмани даволашда глюкокортикостероидрезистентлик ва унинг иммунологик жиҳатларини аниқлаш келгусида тадқиқотларни янада ривожлантиришга имкон яратиб, БАнинг III ва IV поғонаси билан оғриган беморлар периферик қонида триамцинолон, бетаметазон, гидрокортизон, преднизолон, дексамезазон, метилпреднизолон ва небуфлюзонга нисбатан сезувчанлик даражаси аниқланиши ва уни иммунитет фаолияти (ҳужайравий ва гуморал бўғин) кўрсаткичлари ўзгариши билан боғлиқлигини аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, БА билан оғриган беморларда ГКСларга нисбатан индивидуал сезувчанликни аниқлаган ҳолда ишлаб чиқилган даволаш алгоритми анаънавий усулларга нисбатан самарали эканлиги асосланганлиги, клиник-иммунологик кўрсаткичларни ижобий томонга ўзгариши ва асоратлар ривожланишини олдини олишига ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бронхиал астмани даволашда глюкокортикостероидрезистентликни аниқлашнинг аҳамияти ва унинг иммунологик жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бронхиал астмани даволашда глюкокортикостероидларга нисбатан сезувчанликни аниқлаш натижалари асосида ишлаб чиқилган «Бронхиал астманинг назоратсиз кечиши билан оғриган беморларда глюкокортикостероидларга чидамлилигини аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 8н-з/307-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни жорий қилиниши глюкокортикоидларга нисбатан сезувчанликни аниқланиши бронхиал астма билан касалланган беморларда касалликни самарали даволашга ва асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

бронхиал астмани даволашда глюкокортикостероидрезистентликни аниқлашнинг аҳамияти ва унинг иммунологик жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент шаҳар 3-сон клиник шифохонаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Иммунология ва инсон геномикаси институтининг 2023 йил 18 апрелдаги PhD5a-2/001-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши бронхиал астма касаллигида ГКСлар билан ўз вақтида мақсадли даволаш чора-тадбирлари касаллик асоратларини камайтириш ва тиббий ёрдам сифатини ошириш орқали стационарда беморларнинг даволаниш муддатини қисқартириш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 2 та (FAP) фойдали

моделга патент ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астма ҳақида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, унда диссертация мавзуси бўйича олиб борилган илмий изланишлар атрофлича кўриб чиқилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган. Ушбу шарҳда бронхиал астманинг эпидемиологияси, тиббий-ижтимоий аҳамияти ва замонавий тушунчаларни, этиологияси, ҳужайрали ва молекуляр механизмлари ва уни даволашда глюкокортикостероидларнинг аҳамияти ҳамда даволашдаги долзарб муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишнинг мақсад ва вазифаларига мос равишда материаллар ва тадқиқот усуллари баён қилинган. Тадқиқотда 2018-2020 йилларда Тошкент шаҳар 3 - сон клиник шифохонаси ҳамда “Пойтахт мед диагностика” хусусий клиникасида амбулатор ва стационар шароитида даволанган, ёши 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган 215 нафар беморлар танлаб олинди. Барча беморлар лаборатория ва инструментал текширувлар ва тўлиқ клиник кўрикдан ўтказилди. 215 нафар бемордан 98 нафарини (46%) эркак ва 117 нафарини (54%) аёл беморлар ташкил қилди. БАнинг III поғонаси ўртача оғирликда кечиши билан оғриган беморлар сони 103 нафарни (48%) ва IV поғонаси оғир даражаси билан оғриган беморлар 112 нафарни (52%) ташкил қилди. Назорат гуруҳини 50 нафар амалий соғлом шахслар ташкил этди..

Бронхиал астма ташхисини қўйишда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти ва АҚШ юрак, ўпка ва қон миллий институти томонидан тавсия этилган Global Initiative for Asthma (GINA 2019 йил) таснифидан фойдаланилди. Текширувлар тўлиқ анамнез, клиник, лаборатория: умумий қон тахлили, умумий сийдик тахлили, биокимёвий тахлиллар, кўкрак қафаси рентгенограммаси, электрокардиография, спирография, пикфлуометриялар асосида амалга

оширилди.

Беморлар периферик қон ва балғамида ГКСларга нисбатан сезувчанлик даражаси ўрганилди. Ушбу ГКСларга нисбатан сезувчанлик даражасини аниқлаш усули глюкокортикоид препаратларининг периферик қон ва балғамдаги лимфоцитлар рецепторларига таъсирига асосланган бўлиб, глюкокортикоидлар лимфоцитларнинг рецепторларига қанча кўп боғланса, шунча сезувчанлик юқори бўлади ва бунда ўта юқори, юқори, ўртача, паст, ўта паст сезувчанлик даражасида баҳоланади.

Периферик қондаги CD3+, CD4+, CD8+, CD16+, CD20+, CD23+ CD+45RA, CD95+ лимфоцитлар миқдорлари моноклонал антителалар усулида, IgA, IgM, IgG, IgE иммуноглобулинлари шунингдек, ИЛ-1β, ИЛ-4, ИЛ-6, TNFα цитокинлари иммуноферментли таҳлил (ИФТ) усулида аниқланди.

Беморларни даволашда анъанавий ҳамда ретростернал гормонотерапия усулларидадан фойдаланилди.

Олинган натижалар Фишер-Студент ўзгарувчанлик статистикаси усули бўйича статистик ишловдан ўтказилди.

Диссертациянинг **«Бронхиал астма билан оғриган беморларда глюкокортикостероидларга сезувчанликни аниқлаш»** деб номланган учинчи бобида, ишлаб чиқилган ГКСларга нисбатан сезувчанликни аниқлаш усули билан БА беморларининг периферик қонда ГКСларга нисбатан сезувчанлик даражасини аниқлаш натижалари келтирилган.

Ушбу усул бўйича Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” давлат унитар корхонасининг Фамакология қўмитаси ва ЎзР ССВ Этика қўмитасидан ревматик касалликлар ва бронхиал астамада глюкокортикоидларга сезувчанликни *in vitro* шароитида ўрганиш учун рўхсат олинди (12.07.2019 йилдаги 29/03-1520 сонли; 04.12.2019 йилдаги 9/5-1298 сонли (ЎзР ССВ Этика қўмитаси 2019 йил 3 декабрдаги мажлиси 9 – сонли баённомаси); 21.07.2020 йилдаги 29/03-899 сонли хатлар).

Беморлардаги ГКСларга сезувчанлик даражасини аниқлаш учун тиббиёт амалиётида ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган 7 хил ГКСлар: дексаметазон, преднизалон, бетаметазон, небуфлюзон, триамциналон, метилпреднизалон ва гидрокортисон танлаб олинди. Уларнинг сезувчанлигини шартли равишда 5 та даражага ажратилди: агар лимфоцитлар сони микроскоп остида (кўриш майдонида) саналганда 25% гача камайган бўлса – ўта паст сезувчанлик, 25-50% гача камайган бўлса – паст сезувчанлик, 50-70% гача камайган бўлса – ўртача сезувчанлик, 70-90% гача камайган бўлса – юқори сезувчанлик, 90% дан ортиқ камайган бўлса – ўта юқори сезувчанлик деб баҳоланди.

Ушбу тадқиқот Банинг III ва IV поғоналари билан оғриган 132 нафар беморларда касаллик хуружи пайтида, ГКСлар билан муолажаларни бошлашдан олдин олиб борилди.

Тадқиқотимиз давомида 132 нафар беморларда бетаметазонга нисбатан сезувчанликни ўрганилганда, 62 нафарида ўта юқори сезувчанлик, 33 нафар

беморда юқори сезувчанлик, 1 нафар беморда ўртача сезувчанлик, 26 нафар беморда паст сезувчанлик ва 10 нафар беморда ушбу препаратга ўта паст сезувчанлик аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

БА билан оғриган беморларнинг периферик қонида ГКСларга нисбатан сезувчанликни аниқлаш натижалари

ГКСларнинг номланиши	Беморлар сони (n=132)				
	ГКСларга нисбатан сезувчанлик даражаси				
	Ўта юқори	Юқори	Ўртача	Паст	Ўта паст
Бетаметазон	62	33	1	26	10
Метилпреднизолон	24	26	2	26	54
Дексаметазон	49	26	4	27	26
Преднизолон	55	19	3	23	32
Триамцинолон	77	29	2	14	10
Гидрокортизон	61	36	1	21	13
Небуфлюзон	13	5	33	5	76

Метилпреднизолонга нисбатан сезувчанлик ўрганилганда, беморларнинг 24 нафарида ўта юқори сезувчанлик, 26 нафарида юқори сезувчанлик, 2 нафар беморда ўртача сезувчанлик, 26 нафар беморда паст сезувчанлик, 54 нафар беморда эса ўта паст сезувчанлик кузатилди.

Дексаметазонга нисбатан сезувчанлик ўрганилган 132 нафар беморлардан 49 нафарида ўта юқори сезувчанлик, 26 нафарида юқори сезувчанлик, 4 нафарида ўртача сезувчанлик, 27 нафарида паст сезувчанлик, 26 нафарида ўта паст сезувчанлик аниқланди.

Беморларнинг 55 нафарида преднизолонга нисбатан ўта юқори сезувчанлик, 19 нафарида - юқори сезувчанлик, 3 нафарида - ўртача сезувчанлик, 23 нафарида - паст сезувчанлик, 32 нафарида эса ўта паст сезувчанлик кузатилди.

Триамцинолон нисбатан сезувчанликни ўрганилганда, 132 нафар беморларнинг 77 нафарида ўта юқори сезувчанлик, 29 нафарида юқори сезувчанлик, 2 нафарида ўртача сезувчанлик, 14 нафар беморда паст сезувчанлик ва 10 нафарида ўта паст сезувчанлик намоён бўлди.

Гидрокортизонга нисбатан 61 нафар беморда ўта юқори сезувчанлик, 36 нафар беморда юқори сезувчанлик, 1 нафар беморда ўртача сезувчанлик, 21 нафар беморда паст сезувчанлик ва 13 нафар беморда эса ўта паст сезувчанлик кузатилди.

Небуфлюзон нисбатан беморларнинг 13 нафарида ўта юқори сезувчанлик, 5 нафарида юқори сезувчанлик, 33 нафарида ўртача сезувчанлик, 5 нафарида паст сезувчанлик ва 76 нафарида эса ўта паст сезувчанлик аниқланди.

Кўриниб турибдики, БАнинг III ва IV поғонаси билан оғриган беморларнинг периферик қонида ГКСларга нисбатан сезувчанлик даражаси


индивидуал характерга эга бўлиб, бир беморнинг ўзида турли ГКСларга нисбатан сезувчанлиги ҳар хил даражада бўлиши аниқланди. Бу эса БА касаллигини даволаш мақсадида ГКСларни тавсия қилишда, индивидуал ёндошишни тақоза этади.

Беморлардаги ГКСларга сезувчанлик даражасининг ҳолатини ўртача фоиз ҳисобида ўрганганимизда, ГКСлар ичида ўта юқори сезувчанлик энг кўп триамциналонга 58,3% ҳолатда, кейинги ўринларда бетаметазонга 46,9% ҳолатда, гидрокартизонга 46,2% ҳолатда, преднизолонга 41,7% ҳолатда, дексаметазонга 37,1% ҳолатда, метилпреднизолонга 18,2% ҳолатда ва небуфлюзонга эса 9,85% ҳолатда кузатилди (1-расм).

Юқори сезувчанлик 27,3% гидрокартизонга, 25,1% бетаметазонга, 21,9% триамциналонга, 19,7% дексаметазонга, 19,7% метилпреднизолонга, 14,4% преднизолонга ва 3,8% ҳолатда небуфлюзонга нисбатан аниқланди.

Ўртача сезувчанлик 25,7% ҳолатда небуфлюзонга кузатилган бўлса, кейинги ўринларда 3% - дексаметазонга, 2,3% - преднизолон, 1,6% - триамциналонга, 1,5% - метилпреднизолонга, 0,7% - гидрокартизонга ва 0,7% ҳолатда бетаметазонга нисбатан аниқланди.

Паст сезувчанлик 20,5% ҳолатда дексаметазонга, 19,7% - метилпреднизолонга, 19,7% - бетаметазонга, 17,4% - преднизолонга, 15,9% - гидрокартизонга, 10,6% - триамциналонга ва 3% ҳолатда небуфлюзонга аниқланди.



1- расм. Беморлар периферик қонида ГКСга нисбатан сезувчанлик (% ҳисобида).

Беморларда 57,6% ҳолатда небуфлюзонга, 40,9% ҳолатда метилпреднизолонга, 24,2% ҳолатда преднизолонга, 19,7% ҳолатда дексаметазонга, 10% ҳолатда гидрокартизонга, 8% ҳолатда триамциналонга ва 7,6% ҳолатда бетаметазонга ўта паст сезувчанлик аниқланди.

Тадқиқотимизда ГКСларга нисбатан сезувчанликни ўрганиш давомида бир беморда бир вақда бир нечта ГКСларга нисбатан ўта юқори ёки ўта паст сезувчанлик кузатилганлигини аниқладик. Бунда 20 нафар беморлар периферик қонида бир вақда триамциналон, дексаметазон, преднизолонга

нисбатан ўта юқори сезувчанлик аниқланган бўлса, бошқа 20 нафар беморларда эса бир вақтда метилпреднизолон, гидрокартизон, небуфлюзонга нисбатан ўта паст сезувчанлик даражаси борлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Бир вақтда бир нечта ГКСга ўта юқори ва ўта паст сезувчанлик даражаси аниқланган беморлар.

Ўта юқори сезувчанлик	n=20	Триамциналон	Дексаметазон	Преднизолон
Ўта паст сезувчанлик	n=20	Метилпреднизолон	Гидрокартизон	Небуфлюзон

Шундай қилиб, БАнинг III ва IV поғонаси билан оғриган беморларнинг периферик қонида ГКСларга нисбатан сезувчанлик даражаси ўрганилганда, энг самарали - ўта юқори сезувчанлик триамциналон препаратида намоён бўлди. Кейинги ўринларда эса бетаметазон, гидрокартизон, преднизолон, дексаметазон, метилпреднизолон ва небуфлюзонга нисбатан кузатилди.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида БАнинг III ва IV поғонаси билан оғриган 30 нафар беморларнинг балғамида *in vitro* шароитида ГКСга нисбатан сезувчанлик даражаси ўрганилди. Беморлар балғамидаги лимфоцитларнинг ГКСга нисбатан сезувчанлиги шартли равишда 5 та даражага ажратилди: агар лимфоцитлар сони 25% гача камайган бўлса – ўта паст сезувчанлик, 25-50% гача камайган бўлса – паст сезувчанлик, 50-70% гача камайган бўлса – ўртача сезувчанлик, 70-90% гача камайган бўлса – юқори сезувчанлик, 90% дан ортиқ камайган бўлса – ўта юқори сезувчанлик деб ҳисобланди.

30 нафар БА билан оғриган беморлар балғамида бетаметазонга нисбатан сезувчанликни ўрганилганда, 14 нафар беморда ўта юқори сезувчанлик, 7 нафар беморда юқори сезувчанлик, 6 нафар беморда паст сезувчанлик ва 3 нафар беморда ушбу препаратга нисбатан ўта паст сезувчанлик аниқланди. Беморларда бетаметазонга нисбатан ўртача сезувчанлик кузатилмади (3-жадвал).

Метилпреднизолон нисбатан сезувчанлик ўрганилганда, беморларнинг 5 нафарида ўта юқори сезувчанлик, 6 нафар беморда юқори сезувчанлик, 6 нафар беморда паст сезувчанлик, 14 нафар беморда эса бу препаратга нисбатан ўта паст сезувчанлик кузатилди. Ўртача сезувчанлик метилпреднизолонга нисбатан аниқланмади.

Дексаметазонга нисбатан сезувчанлик ўрганилган 30 нафар беморлардан 11 нафарида ўта юқори сезувчанлик, 6 нафарида юқори сезувчанлик, 1 нафарида ўртача сезувчанлик, 6 нафарида паст сезувчанлик, 6 нафарида ўта паст сезувчанлик аниқланди.

Ўрганилган беморларнинг 13 нафарида преднизолонга нисбатан ўта юқори сезувчанлик, 4 нафарида - юқори сезувчанлик, 1 нафарида - ўртача сезувчанлик, 5 нафарида паст сезувчанлик, 7 нафарида эса преднизолонга ўта паст сезувчанлик кузатилди.

Триамциналонга нисбатан беморларнинг 18 нафарида ўта юқори сезувчанлик, 7 нафарида юқори сезувчанлик, 3 нафар беморда паст сезувчанлик ва 2 нафарида ўта паст сезувчанлик намоён бўлди. Триамциналонга нисбатан ўртача сезувчанлик аниқланмади.

3-жадвал

БА билан оғриган беморларнинг балғамидаги глюкокортикостероидларга сезувчанликни аниқлаш натижалари

ГКСлар	Ўта юқори сезув.	Юқори сезув.	Ўртача сезув.	Паст сезув.	Ўта паст сезув.
Бетаметазон	14 (46,7%)	7 (23,3%)	0 (0%)	6 (20%)	3 (10%)
Метилпреднизолон	5 (16,7%)	6 (20%)	0 (0%)	6 (20%)	13 (43,3%)
Дексаметазон	11 (36,7%)	6 (20%)	1 (3,3%)	6 (20%)	6 (20%)
Преднизолон	13 (43,3%)	4 (13,4%)	1 (3,3%)	5 (16,7%)	7 (23,3%)
Триамцинолон	18 (60%)	7 (23,3%)	0 (0%)	3 (10%)	2 (6,7%)
Гидрокортизона	14 (46,7%)	8 (26,6%)	0 (0%)	5 (16,7%)	3 (10%)
Небуфлюзон	3 (10%)	1 (3,3%)	8 (26,7%)	1 (3,3%)	17 (56,7%)

Гидрокортизонга нисбатан 14 нафар беморда ўта юқори сезувчанлик, 8 нафар беморда юқори сезувчанлик, 5 нафар беморда паст сезувчанлик ва 3 нафар беморда эса ўта паст сезувчанлик кузатилди. Ушбу беморларда гидрокортизонга нисбатан ўртача сезувчанлик кузатилмади.

Небуфлюзон нисбатан балғамда сезувчанлик ўрганилганда беморларнинг 3 нафарида ўта юқори сезувчанлик, 1 нафарида юқори сезувчанлик, 8 нафарида ўртача сезувчанлик, 1 нафарида паст сезувчанлик ва 17 нафарида эса ўта паст сезувчанлик аниқланди.

Кўриниб турибдики, ўта юқори сезувчанлик энг кўп 18 нафар беморларда триамцинолонга нисбатан кузатилган бўлса, кейинги ўринларда 14 нафар беморларда бетаметазонга, 14 нафар беморларда гидрокортизонга, 13 нафар беморларда преднизолонга, 11 нафар беморларда дексаметазонга, 5 нафар беморларда метилпреднизолонга ва 3 нафар беморларда небуфлюзонга нисбатан ўта юқори сезувчанлик кузатилди. Юқори сезувчанлик энг кўп 8 нафар беморларда гидрокортизонга, кейинги ўринларда 7 нафар беморларда бетаметазонга, 7 нафар беморларда триамцинолонга, 6 нафар беморларда дексаметазонга, 6 нафар беморларда метилпреднизолонга, 4 нафар беморларда преднизолонга ва 1 нафар беморда небуфлюзонга нисбатан юқори сезувчанлик аниқланди. Ўртача сезувчанлик энг кўп небуфлюзонга нисбатан

кузатилиб, 8 нафар беморларни ташкил қилди. Кейинги ўринларда дексаметазон ва преднизалонга нисбатан 1 нафардан беморларда кузатилди. Бетаметазон, метилпреднизолон, триамцинолон, гидрокартизонга нисбатан ўртача сезувчанлик кузатилмади. ГКСларга нисбатан паст сезувчанлик бетаметазон, метилпреднизолон, дексаметазонга нисбатан ҳар бирида 6 нафардан беморларда аниқланган бўлса, кейинги ўринларда преднизолон ва гидрокартизонларга нисбатан 5 нафардан беморларда, триамцинолонга 3 нафар беморларда ва 1 нафар беморда небуфлюзолга нисбатан паст сезувчанлик аниқланди. Ўта паст сезувчанлик энг кўп небуфлюзонга нисбатан 17 нафар беморларда кузатилган бўлса, кейинги ўринларда метилпреднизолонга нисбатан 13 нафар беморларда, 7 нафар беморларда преднизолонга, 6 нафар беморларда дексаметазонга, 3 нафар беморларда бетаметазонга, 5 нафар беморларда гидрокартизонга ва 2 нафар беморларда эса триамцинолонга нисбатан ўта паст сезувчанлик аниқланди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, БА билан оғриган беморлар балғамида ГКСларга нисбатан сезувчанлик характери индивидуал тарзида намоён бўлиб, турли ГКСларга нисбатан сезувчанлиги бир беморнинг ўзида ҳар хил даражада бўлди.

Кўриниб турибдики, БАнинг III ва IV поғоналари билан оғриган беморлар балғамида ўта юқори сезувчанлик энг кўп (60%) триамцинолонга нисбатан кузатилди.

Тадқиқотимиз назоратида бўлган беморларни касаллик анамнези бўйича ва ГКСга бўлган сезувчанликни аниқлашгача бўлган даврда таҳлил қилиб кўрганимизда, беморларнинг 50%идан кўпроғида ГКС препаратларни нотўғри танланган деган хулосага келдик.

БАнинг III ва IV поғоналарида беморлар периферик қони ва балғамидаги ГКСларга нисбатан сезувчанликни ўрганиш асосида олинган натижаларини таҳлил қилганимизда, периферик қондаги ва балғамдаги ГКСларга нисбатан сезувчанлик даражасини бир хил йўналишда, яъни ўта юқори сезувчанлик триамцинолон препаратига нисбатан, қолган ГКСлар мос равишда ҳар хил сезувчанлик даражасида бўлишини намоён қилди.

Шундай қилиб, БАнинг III ва IV поғоналарида беморлар периферик қони ва балғамида айнан бир ГКСга нисбатан сезувчанлик ҳар бир беморда ҳар хил даражада, яъни ГКСларнинг биттасига нисбатан ўта юқори, иккинчисига нисбатан юқори ва бошқаларига нисбатан ўртача, паст ёки ўта паст даражада сезувчанлик намоён бўлади. Бу эса БА касаллигини даволашда ГКСларга нисбатан сезувчанликни индивидуал аниқлаган ҳолда тавсия этишни тақоза қилади.

Диссертациянинг «**Бронхиал астмада глюкокортикостероидларга сезувчанлик характериға боғлиқ ҳолда иммунологик кўрсаткичларининг ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида, беморлардаги иммунитет кўрсаткичларини ГКСларга нисбатан сезувчанлик даражасига боғлиқ ҳолда ўрганилди. Бунда беморлар ичидан бир вақтда бир неча ГКСлар - триамцинолон, дексаметазон ва преднизолонга нисбатан ўта юқори сезувчанлик аниқланган 20 нафар ҳамда бир вақтда метилпреднизолон,

Ўта юқори ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда тафовутни кузатганимизда, ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда лимфоцитлар нисбий ($38,5\pm 0,8\%$) миқдори ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларникига ($42\pm 0,9\%$) нисбатан ($P<0,05$) ошганлиги аниқланган бўлса, мутлоқ миқдорлари (ўта юқори сезувчанликда - 2541 ± 110) (ўта паст сезувчанликда - 1810 ± 90) эса аксинча бўлди ($P<0,001$).

CD3+ лимфоцитларининг миқдори ўта юқори ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда ($49,1\pm 1,0\%$; $44,2\pm 1,1$) соғломларникига ($57,5\pm 1,6$) нисбатан камайди ($P<0,001$). Мутлоқ миқдори соғломларникига нисбатан фақат ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда камайди ($P<0,001$). CD3+ лимфоцитлари нисбий ва мутлоқ миқдорлари ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларга (нисбий- $49,1\pm 1,0\%$; мутлоқ- 1132 ± 77) нисбатан ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда (нисбий- $44,2\pm 1,1\%$; мутлоқ- 839 ± 68) камайганлиги намоён бўлди ($P<0,001$).

Ўта юқори сезувчанлик кузатилган беморларда Т-хелпер (CD4+) лимфоцитларининг нисбий миқдорларининг ($27,0\pm 1,3\%$) соғломлар кўрсаткичларига ($36,2\pm 1,0\%$) нисбатан ишончли ($P<0,001$) камайганлиги аниқланди. Ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда CD4+ лимфоцитларининг нисбий ва мутлоқ миқдорларининг (нисбий - $22,8\pm 1,1\%$; мутлоқ - 386 ± 36) соғломларга (нисбий - $36,2\pm 1,0\%$; мутлоқ - 752 ± 61) нисбатан камайди ($P<0,001$).

Ўта юқори ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда CD4+ лимфоцитларининг тафовути ўрганилганда, ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда Т-хелпер хужайралари (нисбий - $27,0\pm 1,3\%$; мутлоқ - 670 ± 43) миқдорлари ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларга (нисбий - $22,8\pm 1,1\%$; мутлоқ - 386 ± 36) нисбатан юқори ($P<0,01$; $P<0,001$) бўлди.

CD8+ лимфоцитларининг мутлоқ миқдори ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда (605 ± 43) соғломларга (475 ± 42) нисбатан ошган бўлса ($P<0,05$), ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда (346 ± 37) аксинча камайди ($P<0,05$). Ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда Т-супрессор хужайраларининг нисбий ($25,4\pm 1,1\%$) ва мутлоқ (605 ± 43) миқдорлари ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларникига ($20\pm 1,1$; 346 ± 37) нисбатан юқорилиги намоён бўлди ($P<0,001$).

Иммунорегулятор индекс (CD4+/CD8+) кўрсаткичи ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда ($1,1\pm 0,1$) ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда ($1,2\pm 0,1$) ҳам соғломларникига ($1,56\pm 0,01$) нисбатан ($P<0,001$) камайди. Ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморлар ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморлар ўртасида ушбу кўрсаткич бўйича тафовут аниқланмади.

Табиий киллерлар (CD16+) миқдорлари соғломларникига (нисбий - $11,9\pm 0,8\%$; мутлоқ - 286 ± 27) нисбатан ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда (нисбий - $25,2\pm 1,4\%$; мутлоқ- 573 ± 23) ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда (нисбий- $25\pm 2,0\%$; мутлоқ- 445 ± 25) ҳам мос равишда ишончли ($P<0,01$; $P<0,001$) ошганли кузатлди. Ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда CD16+ лимфоцитларининг мутлоқ миқдори (573 ± 23)

ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларга (445 ± 25) нисбатан юқори бўлди ($P < 0,001$).

БА билан оғриган беморларда ГКСга сезувчанлик даражасини иммунитетининг гуморал кўрсаткичларига солиштириб ўрганилганда куйидаги натижалар олинди. Ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда CD20+ лимфоцитларнинг нисбий (соғломлар - $22,3 \pm 0,6\%$; беморлар - $28,1 \pm 0,6\%$) ҳамда мутлоқ (соғломлар - 449 ± 37 ; беморлар - 677 ± 37) миқдорларининг соғломларникига нисбатан ошганлиги аниқланди ($P < 0,001$). Ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда В- лимфоцитларининг нисбий миқдорлари ($26,8 \pm 2,0\%$) соғломларникига ($22,3 \pm 0,6\%$) нисбатан ошди ($P < 0,05$). Ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда CD20+ лимфоцитлари мутлоқ (677 ± 37) миқдорининг ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларникига (451 ± 35) нисбатан баландлиги намоён бўлди ($P < 0,001$).

IgE учун паст аффинли рецепторларга эга лимфоцитлар (CD23+) миқдори ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда ($26,6 \pm 1,2\%$) ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда ($24,1 \pm 1,2\%$) ҳам соғломларникига ($17,3 \pm 0,8\%$) нисбатан юқорилиги кузатилди ($P < 0,001$).

CD45RA+ миқдорлари ўта юқори ($18,6 \pm 0,7\%$) ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда ($21,1 \pm 1,1\%$) ҳам соғломларникига ($25,7 \pm 0,4\%$) нисбатан пасайди ($P < 0,001$). CD95+ миқдори ўта юқори сезувчанлик ($23,1 \pm 1,5\%$) ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда ($20 \pm 1,8\%$) ҳам соғломлар кўрсаткичларига ($28 \pm 1,1\%$) нисбатан камайганлиги намоён бўлди ($P < 0,001$).

Ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларнинг қон зардобидаги IgA ($175 \pm 4,5$ мг%) ва IgM ($133,1 \pm 1,4$ мг%) миқдорлари соғломлар кўрсаткичларига (IgA- $142 \pm 8,7$ мг%; IgM- $125 \pm 1,1$ мг%) нисбатан ошганлиги ($P < 0,001$), ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда IgM ($119,7 \pm 1,9$ мг%) ва IgG ($1022 \pm 6,2$ мг%) миқдорлари соғломларникига (IgM- $125 \pm 1,1$ мг%; IgG - $1173 \pm 5,4$ мг%) нисбатан пасайганлиги кузатилди ($P < 0,05$; $P < 0,001$).

Ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларга нисбатан IgA (ўта юқори- $175 \pm 4,5$ мг%; ўта паст- $160 \pm 5,6$ мг%), IgM (ўта юқори- $133,1 \pm 1,4$ мг%; ўта паст- $119,7 \pm 1,9$ мг%) ва IgG (ўта юқори- $1127 \pm 3,6$ мг%; ўта паст- $1022 \pm 6,2$ мг%) миқдорларининг пасайганлиги намоён бўлди ($P < 0,05$; $P < 0,001$; $P < 0,001$).

IgE миқдори ГКСларга ўта юқори сезувчанлик ($185,2 \pm 1,8$ МЕ/мл) ва ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда ($178,6 \pm 2,1$ МЕ /мл) ҳам соғломларга ($62,0 \pm 1,5$ МЕ/мл) нисбатан ошиб кетганлиги кузатилди ($P < 0,001$). Ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларга ($185,2 \pm 1,8$ МЕ/мл) нисбатан ўта паст сезувчанлик аниқланган беморларда ($178,6 \pm 2,1$ МЕ /мл) IgE миқдори паст бўлди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, БА касаллигида бир вақтда бир неча ГКСлар - триамциналон, дексаметазон, преднизолонга нисбатан ўта юқори сезувчанлик аниқланган беморларда лимфоцитлар, CD8+, CD16+, CD20+, CD23+, IgA, IgM, IgE миқдорлари ошиши ва CD3+, CD4+, CD4+/CD8+, CD45RA+, CD95+ миқдорларининг

камайиши тарзида иммунологик ўзгаришлар кузатилди.

БА да бир вақтда метилпреднизолон, гидрокартизон, небуфлюзонга ўта паст сезувчанлик аниқланган беморлар гуруҳида лимфоцитлар, CD16+, CD20+, CD23+, IgE миқдорларининг кўпайиши ва CD3+, CD4+, CD8+, CD4+/CD8+, CD45RA+, CD95+, IgM, IgG миқдорларининг пасайиши намоён бўлди.

Шундай қилиб, БАнинг III ва IV поғоналарида ГКСларга нисбатан ўта юқори ёки ўта паст сезувчанлик бўлган беморларда ўзига хос иммун жавоб реакцияси ҳосил бўлиб, иммунологик кўрсаткичларининг дисбаланси тарзида намоён бўлади.

Илмий тадқиқотимизнинг кейинги босқичида БА билан оғриган беморларни ГКСлар билан даволашдан давомидаги клиник ва иммунологик кўрсаткичларини кузатдик. Ҳозирги пайтда тиббиёт амалиётида БА касаллигини ГКСлар билан даволашда асосан кўпинча дексаметазон дори воситаси қўлланилиб келинади. Шунинг учун ҳам дексаметазонга нисбатан энг кўп ўта юқори сезувчанлик даражаси аниқланган беморларда, ушбу препарат билан даво муолажалари олиб борилди. БАни даволашда бизнинг амалиётимизда қўлланилиб келинаётган самарадор усуллардан бири бўлган ретростернал лимфотроп гормонотерапия (РЛГТ) усулида дексаметазонни организмга юбориб, даволашдан олдинги ва кейинги иммунитет фенотипларининг ўзгаришларини ўргандик.

